

## "Электрон ҳукумат": Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги



Шу йилнинг 2-6 сентябр кунлари Алоқа тарихи музейида электрон ҳукумат тизимини жорий қилиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" тизimini ривожлантиришда Корея Республикаси тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда. Корея Республикаси нафақат ишончли ҳамкор, балки ахборот-коммуникация технологиялари ниҳоятда жадал ривожланган мамлакатдир. Мана, бир неча йилдирки, Кореянинг "Электрон ҳукумат" тизими Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилина-

диган рейтингда пешқадамликни қўлга кири-тиб келади. Демак, бизнинг мутахассислар энг илғор тажрибани ўрганишга, уни келажакда ўз фаолиятларида қўллаш имконига эга бўлмоқдалар. Бу борада мамлакатлар ўртасида тузилган қўшма лойиҳалар кенг имкониятларни очиб беряпти.

5-бет

### УШБУ СОНДА:

Мобил телефон рақами орқали идентификация	2
Дастурчилар тайёрлаш маркази	3
Ноутбуклар бозорида	4
Развитие сферы ИКТ	6
Асрий орзулар рўёби	8-9
"Ақлли шаҳарлар" квартети	10

### Сўнги янгилик!

Logitech компанияси, амалий тизимидан қатъи назар, биратўла учта қурилмага улаб ишлатса бўладиган клавиатура ишлаб чиқди. Bluetooth Multi-Device Keyboard K480 деб номланган бу қурилмада компьютерда матн теришдан смартфонга SMS ёзишга ёки планшетта ўтиш учун битта тугма босилса kifоя.

Ноябр ойида савдога чиқиши кутулаётган бу клавиатуранинг бошланғич баҳоси 50 доллар қилиб белгиланган.



## Jumadan Jumagacha

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мустақиллигимизнинг йнгирма уч йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этди.

● Президентимиз Ислам Каримов 29 август кuni Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан танишди. Президентимиз Шайхонтоҳур туманининг Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган чорраҳада бунёд этилган янги замонавий кўприкни, Абдулла Қодирий ва Себзор кўчалари кесишадиган майдонда бунёд этиладиган йўл ўтказгич лойиҳасини, Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида қурилган янги йўлни, шахмат бўйича ихтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар спорт мактабини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясининг янги биносини бориб кўрди.

● 31 август тонгида пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикасининг "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда янги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, аҳамияти, бу борада мавжуд миллий ва халқаро тажрибага оид маърузалар тингланди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб "Ватанимиз тараққиёти — биз ёшлар қўлида" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. "Соғлом бола йили Давлат дастури" доирасида ташкил этилган фестивалда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонни соҳиблари, халқаро олимпиадалар, турли спорт мусобақалари, танловлар ғолиблари, фаол ёшлар иштирок этди.

● Жорий йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида ёш спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4та олтин, 3та кумуш ва 3та бронза медални қўлга киритишди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шухрати" музейида 30 август кuni уларга Президентимиз совғалари — энг сўнги русумдаги замонавий компьютерлар топширилди.



Ягона интерактив давлат хизматлари порталида мобил телефон рақами орқали идентификация маълумотларини тасдиқлаш имконияти жорий этилди.

## Mu.gov.uzda

мобил телефон рақами орқали идентификация

Масалан, тadbirkorлик субъектини рўйхатдан ўтказиш учун ариза юборишдан олдин, Ягона портал фойдаланувчилари шахсий кабинетларида ўз номларига рўйхатга олинган мобил телефон рақамини идентификациялаш орқали аввалдан шахсий маълумотларини тасдиқлашлари мумкин.

Ҳозирда, ушбу имконият "пилот" лойиҳа сифатида "Ўзбектелеком" АК "ЎзМобайл" филиали билан ҳамкорликда жорий этилди ва ушбу тармоқ абонентлари учун мавжуд. Келажакда бошқа уяли операторларни ҳам жалб қилиш кўзда тутилган.

Мазкур хизмат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги "Тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни ижросини таъминлаш доирасида жорий этилган.


## Провайдерлар учун

интернет-хизматлар тарифлари туширилди

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Ўзбекистон провайдерлари учун интернет-хизматларга тарифлар (ташқи каналда) 1 Мбит/с. учун \$299,22га туширилишини маълум қилди.

Бу йил тарифлар учинчи марта туширилмоқда. 11 июн кuni \$306,04гача, 11 июлдан \$303,51 ва 29 августдан бошлаб 1 Мбит/с. учун \$299,22гача туширилди.

Эслатиб ўтамиз, 2013 йилда нархлар беш марта туширилганди. 2013 йил январ ойида 1 Мбит/с. учун \$409дан декабр ойига қадар \$322гача туширилганди.



## Муваффақиятли бошқарув гарови

БМТ Тараққиёт Дастури томонидан Тошкент вилояти шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари учун "Шахсларо ва ижтимоий коммуникация" мавзусига бағишланган тренинг ташкил этилди.

"Кундалик иш фаолиятимизда турли шахслар, жумладан, ҳамкасблар ва ўзимиз хизмат кўрсатадиган мижозлар (оддий фуқаролар, хусусий тadbirkorлар ва ҳк.) билан мулоқотда бўламиз. Самарали алоқалар ва мулоқот, бизга, давлат хизматчиси сифатида, қарор қабул қилишимизда, фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини баҳолашимиз ва қондиришимизда яқиндан ёрдам беради. Икки кунлик тренинг бизнинг фуқаролар ва жамоатчилик билан муносабатларимизда қўл келадиган зарурий билим ва тажрибаларни берди", — дея таъкидлайди тренинг қатнашчиси, Чиноз тумани ҳокимлиги ташкили ва мониторинг бўлими бошлиғи Азамат Камолов.

Тренинг икки қисмдан иборат бўлди. Унинг биринчи қисми оммавий нутқнинг турларини таҳлил қилиш, оммавий хабарлар ва тақдимотлар тайёрлашнинг илк

босқичлари, кенг жамоатчиликка ахборотни ишончли етказиб бериш, оммавий чиқишларда тез кузатиладиган хатолар ва камчиликларни таҳлил қилиш кабиларни ўз ичига олган оммавий нутқ санъатининг баъзи жиҳатларини ёритган бўлса, иккинчи қисми давлат хизматчиларининг иш жойидаги шахсларо муносабатларнинг аниқ жиҳатларини ўрганишга бағишланди.

Тренинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунни янада рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг таркибий қисми сифатида ўтказилди. Зеро, аҳолига ахборот етказиш, аҳоли билан давлат идоралари ўртасида ишончли ва барқарор алоқа ва мулоқотларни шакллантириш мазкур қонуннинг мақсадли асосларидан биридир.

Ўз мухбиримиз

# ДАСТУРЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида "Дастурчилар тайёрлаш маркази"нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда филиал профессор-ўқитувчилари, алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларининг раҳбарлари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган марказ ёш дастурчилар учун салоҳиятларини намоиш этиш, АКТ соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Маросимда сўзга чиққан вилоят ҳокими Зафар Рўзиев, Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Ҳаким Муҳитдинов, филиал директори Хуршид Бобомуродов ва бошқалар жаҳон миқёсида ахборотлаштириш жараёнининг жадал ривожланиб бораётгани, вилоятда соҳа ривож учун қилинаётган ишлар, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва қобилиятларини намойён этишда бу каби марказларнинг ўрни ҳақида гапирдилар. Улар ҳаётимизга чуқур кириб бораётган замонавий интернет тизими жамиятнинг турли соҳалари — давлат бошқаруви, таълим, маданият ва бизнес соҳаларига татбиқ этилишини рағбатлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари учун халқа-



ро стандартларга мос дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёш дастурчиларни аниқлаш, саралаш ва уларни рағбатлантириш, яратилаётган веб-сайтлар ва дастурий маҳсулотлар сифатини ҳамда уларнинг ахборот хавфсизлигини ошириш, келгусида давлат буюртмаларини бажаришда саралаб олинган дастурчиларни жалб этиш, уларнинг қобилиятларини баҳолаш-

да ушбу марказнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлигини таъкидладилар.

"Қарши хонзадаси" МЧЖ қурувчилари томонидан қисқа вақтда қуриб, фойдаланишга топширилган марказни татмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва замонавий технология воситалари билан таъминлашга 280 млн. сўм маблағ сарфланди.

Маросим иштирокчилари марказ фаолияти билан яқиндан танишдилар.

## ЯНГИ МАРКАЗДА КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида фойдаланишга топширилган "Дастурчилар тайёрлаш маркази"да "АКТ соҳасини ривожлантиришда дастурчилар тайёрлаш марказининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда ТАТУ ректори Ҳаким Муҳитдинов марказ олдида турган вазибалар, келгусидаги режалар тўғрисида маъруза қилиб, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусида Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан келиб чиқадиган вазибалар мазмун-моҳияти, талабалikka қабул қилинган ёшларни Дастурчилар тайёрлаш маркази фаолияти билан таништириш, филиал илмий салоҳиятини ошириш ҳақида сўз юритди.

## КУТУБХОНАГА КОМПЮТЕР ЖАМЛАНМАЛАРИ

Сайидо Насафий номидаги вилоят АКМ бугунги кунда ахборот ресурсларидан аҳолининг барча қатлам вакиллари фойдалана олишига ва ноёб кутубхона жамғармасини келгуси авлод учун имкон даражасида сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда.

Кутубхона турли ахборот хизматлари — интернетдан фойдаланиш, компютерда ишлаш, сканерлаш, юклама манбаларга нусха кўчириш хизматларини китобхонларга тақдим этмоқда. Яқинда Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан вилоят АКМга 10 донга замонавий русумдаги компютер жамланмаси, бир донадан принтер ва сканер топширилди.

Ҳозир республикаимизда кўплаб

кутубхоналарда ички ва ташқи ахборот манбаларидан тезкор қидирувни амалга оширувчи автомат тизим ўрнатилган. Шунингдек, кутубхона мижозлари учун интерактив хизматлардан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида замонавий монитор ва интерфаол панелларни ўз ичига олган хабар етказиш тизими жорий этилган. Визуал ва виртуал маълумотларни олиш учун барча шарт-шароитларга эга технологиялар билан жиҳозланган. Бу ишларнинг барчаси ахборот ресурслари билан таъминлаш бўйича жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган электрон кутубхонанинг бор имкониятларини самарали ишга тушириш мақсадида амалга ошириляптир.

— Электрон ўқув залини яратиш мақсадида тақдим этилган компютерлар орқали китобхонлар учун республика бўйича яратилган ягона ахборот ресурс мажмуасидан, шунингдек, барча АКМларда мавжуд электрон китоблардан фойдаланиш имконияти ҳам яратилди, — дейди Республика АКМ АКТ бўлими бош мутахассиси Бахтиёр Эгамбердиев.



## БИЛИМЛАР КУНИ

Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида янги ўқув йилига бағишланган "Билимлар куни" тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар, филиал профессор-ўқитувчилари, талабалар тўпландилар.

Филиал директори Хуршид Бобомуродов жамоани янги ўқув йили билан табриклаб, соҳа мутахассислари тайёрланадиган маскан жамоаси кўзлаган мақсадлар ҳақида гапирди.

Энг юқори балл тўплаб, талабалikka қабул қилинган ёшларга рамзий талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтари топирилди.

Филиал равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилиб келаётган, ёшларга таълим беришда алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ ўқитувчиларга фахрий ёрликлар топширилди. Маросимдан сўнг талаба-ёшлар аудиторияларда "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" мавзусидаги мустақиллик машғулотларини бошладилар.

Афтовлал ИСМОИЛОВ,  
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

## Халқаро ҳаётот



● "Чегара билмас шифокорлар" халқаро ташкилоти президенти Жоанна Лю БМТ конференциясида Эбола вирусига қарши курашишга жиддий эътибор қаратмаётганлари учун Африка мамлакатлари ҳукуматларини танқид остига олди. Бу мамлакатларда тиббиёт ходимлари етишмайди, айрим касалхоналар ўликхоналарга айланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хабарига кўра, шу пайтгача 1552 нафар инсонни Эбола ажали ўз қомига олган. 3062 киши касални юқтирган, яна 20 минг инсонга Эбола хавф солмоқда.

● Европа Иттифоқи Исроил томонидан Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғидаги ерларнинг навбатдаги босиб олиншини танқид қилди.

"Кўхна қитъа" вакиллари Исроилга дарҳол қарорини ўзгартиришни ва икки давлат ёнма-ён фаолият юритишига асос бўлувчи ҳаракатларда фаолликка чорлади.

● Перу полицияси Трухилио шаҳрида ўтказилган махсус амалиёт чоғи бангифурушларга тегишли рекорд даражадаги — 7,6 тонна кокаин моддасини фож қилди.

Кокаин Испания ва Белгия портларига жўнаши кутилаётган кема бортига кўмир билан бирга ортилган экан.

БМТ маълумотларига қараганда, Перу ва Колумбия кокаин тайёрлашда жаҳонда етакчилар саналади.

● Европа Иттифоқида қуввати 1600 ваттдан юқори чангютичлар тақиқланади. Электр энергияси сарфини камайтириш мақсадида шундай тўхтама келган еврокомиссарларнинг фикрича, чангютичларнинг ишлаб чиқарувчанлиги уларнинг қувватига боғлиқ эмас.

Бундай қарорлар аввал ҳам чиқарилган: Европада оддий лампалар ўрнини тежамкорлари эгаллади, бироқ электрдан фойдаланиш тарифлари пасаймади, аксинча, айрим мамлакатларда тежамкор лампаларнинг нархи сўнгги беш йилда тўрт мартабагача ошиб кетган.

● Буюк Британия ҳукумат комиссияси Лондон шарқида, Темза дарёсида ҳосил қилинадиган сунъий майдонда янги аэропорт куриш масаласини ёқламади ҳамда Хитроу ва Гэтваикдаги аэропортларни янада такомиллаштиришга чақирди.

Мазкур аэропортнинг қурилиши 70 млрд. фунт стерлинг (116 млрд. доллар)га баҳоланётган ва янги автомобил ва темир йўллар куришни ҳам ўз ичига оларди.

Хитроу — Европадаги энг гавжум аэропорт бўлиб, 2013 йили йўловчи алмашинуви 72 миллион кишини ташкил этганди.

● Швейцария, маълумки, пишлоқлари билан донг қозонган. Бироқ қалбаки маҳсулотлар, ишлаб чиқариш таннархининг ошиши, франк қадрининг баландлаши каби омиллар пишлоқ экспортга салбий таъсир қилди ва мамлакат тарихида илк мартаба ўтган йили пишлоқ импорти экспортдан юқори келди.

Маълумотларга қараганда, жаҳон бозорларида сотилаётган швейцар пишлогининг тахминан 10 фоизи қалбаки ҳисобланади. Бунга қарши курашиш мақсадида швейцарияликлар генотипоскопия усулидан фойдаланишга — у ДНК асосида асил пишлоқни аниқлаб беради.

## НОУТБУКЛАР БОЗОРИДА

Сўнгги икки йилда илк мартаба жаҳон ноутбуклар бозорида ўсиш қайд этилди. Хусусан, жорий йил апрел-июн ойларида 45,1 млн.та ёки ўтган йилнинг шу чорағидигидан 1 фоиз кўпроқ маҳсулот сотилган.

### Етакчи ишлаб чиқарувчилар:

Урн	Компания	Бозордаги улуши (%)	2013 й. II чорағига нисбатан
1	Lenovo	18	+36%
2	HP	17	+13%
3	Asus	11	+19%
4	Dell	11	+10%
5	Acer Group	10	-3%



## Дисплейлар – автомобилларга

Глобал бозор фойдаланувчилари ўртасида ноутбукларга қизиқишнинг ортиши натижасида планшетларга талаб озайиб кетди. Шу боис планшет ишлаб чиқарувчилар кичик ўлчамдаги дисплейларга камроқ буюртма беришяпти. Бу соҳада пешқадамлардан саналган Тайван компаниялари энди янги харидорлар излаш билан овора.

Ҳозирча энг мақбул йул сифатида Европа ва Хитойдаги автомобил ишлаб чиқарувчиларга 7,9 ва 12,3 дюйм диагонадаги экранларни тавсия этиш кўрилмоқда.



## LuneOS – янги ном

Дахлаб Palm, Hewlett-Packard компанияларига, кейинчалик LG Electronicsга қарашли бўлган Open WebOS амалий тизими янгича номланди — LuneOS.

Ахборот технологиялари янгиликларини кузатиб борувчилар яхши билишади, WebOS бозорда ўз ўрнини топа олмаган. Янги номдаги амалий тизим, LG компанияси маълум қилишича, принтерлар, телевизорлар ва ҳоказо электрон қурилмаларда қўлланилиши кутиляпти. Чунинчи, биринчи очик Lune OS — Affogato смартфон ва планшетларга мўлжалланган. Ҳозирча амалий тизим анча ишловтаб, юзабилити ва функционаллик борасида Android ва iOSдан ортада қолаётганини унинг муаллифлари ҳам таъкидлашган.



## Firefox 32 браузерни тақдимоти

Mozilla компаниясининг ушбу браузерда хавфсизлик тизими янада кучайтирилган, хусусан, man-in-the-middle тоифасидаги ҳужумларга қарши ҳимоя тизими татбиқ этилган. Браузернинг янги талқини Windows, Mac, Linux ва Android амалий тизимларига мўлжалланган.

Firefox 32да қўлланилган янгиликлар билан батафсил <https://www.mozilla.org/en-US/firefox/32.0/releases/> манзилида танишингиз мумкин.



## Энг сифимдор қаттиқ диск

Seagate компанияси энг йирик — 8 ТБ сифимли қаттиқ дисклар чиқаришини расман маълум қилди.

HDD 3,5 дюйм ўлчамли бўлиб, 6 Гб/сония ўтказувчанликка эга Serial ATA 3.0 интерфейсини қўлайди. Унинг афзаллиги нафақат юқори маълумот ўтказувчанлигида, балки энергия тежамкорлигида ҳам аксини топган.



## 700 мегагерцли зона бўшатилади

Европада 2020 йилгача мобил кенг поласали улашиш учун 700 мегагерцли частота диапазолини бутунлай бўшатиш режалаштириляпти. Айни пайтда 700 мегагерцли диапазоннинг телеканаллар ва симсиз микрофонлар банд этиб турибди.

Еврокомиссиянинг маълум қилишича, 700 мегагерцли зона бутунлай мобил соҳага берилмайди, балки телекомпанияларнинг техник эҳтиёжлари учун ҳам бир қисми захира қилинади.

## Twitch – Amazon ихтиёрида

Amazon компанияси Twitch видеострим сервисини харид қилади. Йил охиригача амалга ошири кутилаётган битим қиймати 970 млн. доллар атрофида бўлиши белгиланган.

Twitch аудиторияси июл ойида 55 млн. алоҳида фойдаланувчини ташкил қилиб, уларнинг ҳар бири ўртача 15 дақиқалик контентни томоша қилган. Twitch келусида YouTube билан рақобатта киришини эҳтимолдан холи эмас.

◀ 1-бет

### АКТ соҳасидаги қўшма лойиҳа

Ўтган йили АКТ соҳасида Ўзбекистон-Корея қўшма лойиҳаси ташкил қилинган эди. Мазкур лойиҳа доирасида 2013-2015 йиллар давомида Корея Республикасининг хавфсизлик ва давлат бошқаруви вазирлиги (MOSPA) томонидан 1 млн. АҚШ доллари ажратиш, лойиҳани мувофиқлаштириш мақсадида Корея Республикасининг Ахборотлашган жамият масалалари бўйича миллий агентлиги (NIA)дан координатор юбориш ва Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан лойиҳани

лат буюртмаси асосида 2013-2014 йилларда амалга оширилиши белгиланган "Электрон ҳукумат" тизими базавий платформасининг ядросини яратиш бўйича лойиҳа концепцияси ва техник топшириқларини ишлаб чиқишда ўз аксини топди.

Шунингдек, корейлик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган тавсияларга таянган ҳолда "Давлат органларида очик қодли дастурий таъминотларни босқичма-босқич жорий этиш концепцияси"ни ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

### Истиқболдаги муҳим тадбирлар

Қўшма лойиҳа доирасида келгусида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

Қўмита ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг тузилмалари, ходимлар ҳақида маълумотларни сақлаш ва бошқариш, давлат органлари ўртасидаги маълумотлар алмашинуви каби жараёнларни ўрганишни кўзда тутилган ва тегишли ҳисобот ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилиши режалаштирилган.

### Семинар-тренинглар

АКТ соҳасидаги Ўзбекистон-Корея қўшма лойиҳаси доирасида "Электрон ҳукумат" тизими бўйича ўқув семинар-тренинг курслари ташкил этиб келиняпти.

Даставвал, 2013 йилнинг 8-15 декабр кунлари Кореянинг NIA ташкилотидан Тошкент ахборот технологиялари университетининг беш нафар профессор-ўқитувчиси учун бир ҳафталик тренинг курс ташкил этилди. Олинган билим ва қўникмаларни профессор-ўқитувчилар ҳозирда

# "Электрон ҳукумат": Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги

амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрадиган корейлик эксперт-мутахассисларга офис ажратиш ва бошқа зарур ёрдамлар кўрсатиш келишилди.

### Натижалар

АКТ соҳасидаги Ўзбекистон-Корея қўшма лойиҳаси доирасида шу вақтга қадар бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Мазкур тадбирлар доирасида тўрт ой давомида корейлик мутахассислар бир неча бор республикамизга ташриф буюришди ҳамда вазирликлар ва идоралар вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди.

— Дастлаб, корейлик мутахассислар томонидан Ўзбекистонда давлат органларининг амалий ва функционал жараёнларини реинжиниринг (BPR) қилиш бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди, — дейди Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг АКТни ривожлантириш стратегик режалаштириш бўлими бошлиги Музаффар Жалолов. — Ўрганишлар якуни бўйича ҳисоботлар ва ўз ичига тегишли тавсияларни олган BPR методик қўлланма лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа шу йилнинг августида синаб кўриш, таклиф ва қўшимчалар киритиш учун барча давлат органларига юборилди.

Навбатдаги тадбирда "Ягона давлат маълумотлар базасини яратиш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш" мавзуси кўрилди. Тадбир якунида ҳисоботлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Мазкур тавсиялар ҳозирда Давлат буюртмаси асосида 2013-2014 йилларда амалга оширилиши белгиланган, жисмоний ва юридик шахслар маълумотлар базасини яратиш бўйича лойиҳалар концепцияси ва техник топшириқларини ишлаб чиқишда ўз аксини топди.

"Административ кодларни стандартизация қилиш бўйича қўлланма ишлаб чиқиш" тадбири натижасида ишлаб чиқилган тавсиялар Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан белгиланган "Давлат бошқарувида қўлланиладиган маълумотномалар ва классификаторлар регистрини яратиш" лойиҳасини ишлаб чиқишда инобатга олинади.

"Давлат органларида очик қодли (Open source) дастурий таъминотларидан фойдаланишни ўрганиш" юзасидан ҳисобот ва тавсиялар ҳозирда Дав-



Лойиҳани янада самарали бажариш мақсадида "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш марказида ҳар бир тадбир бўйича ишчи гуруҳлар тузилган. Ушбу тадбирлар MOSPA билан келишиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган:

#### 1. Давлат органларида иш жараёнларининг бошқарув тизимини яратишни ўрганиш.

Мазкур тадбир доирасида корейлик мутахассислар республикамизга бир неча бор ташриф буюриши режалаштирилган. Ташрифлар давомида Қўмита мисолида ҳужжатлар алмашинуви, хатлар, буйруқлар, фармойишлар тайёрланиши, топшириқлар бериш ва уларни бажариш каби жараёнлар ўрганилади. Тадбир якунида тегишли ҳисобот ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

#### 2. Электрон ҳукумат тизими доирасида олиб борилаётган лойиҳа ва тадбирларни баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан электрон ҳукумат тизими доирасида қатор лойиҳа ва тадбирлар тасдиқланган. Бироқ уларни баҳолаш методикаси ва механизми мавжуд эмаслиги сабабли ҳам юқоридаги тадбир муҳим аҳамиятга эгадир. Корейлик мутахассислар олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб, "Электрон ҳукумат тизими доирасида олиб борилаётган лойиҳа ва тадбирларни баҳолаш методикаси"ни ишлаб чиқишда ўз тавсияларини берадилар.

#### 3. Давлат органлари тузилмалари ва ходимлари ҳақидаги маълумотларни бошқариш мақсадида ягона ҳукумат тизимини ишлаб чиқишни ўрганиш.

Бу тадбир доирасида корейлик мутахассислар

"Электрон ҳукумат" ўқув марказида дарс бериш жараёнида самарали қўлламоқдалар.

Шу билан бирга, юқоридаги тадбирларнинг моҳияти ва кутилаётган натижалари юзасидан вазирлик ва идоралар вакиллари учун шу йилнинг 5 март куни Алоқа музейи биносида NIA мутахассислари томонидан семинар тренинг ўтказилди.

"Электрон ҳукумат" тизимини бошқаришда кадрлар малакасини ошириш лойиҳаси доирасида шу йилнинг 18-23 август кунлари "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказининг беш нафардан бошқарув, режалаштириш ва иш фаолияти билан боғлиқ бўлган ходимлари Кореядаги NIA ва KISA ташкилотларида бир ҳафталик тренинг курсларида қатнашиб қайтидилар.

Тренингни ўтаган ходимлар билим ва қўникмалари асосида ўз марказларини келгусида ривожлантириш истиқболлари бўйича таклиф ва тақдимотларини тайёрлашга ва бунинг асосида сентябр ойининг иккинчи ярмида Қўмита тизимидаги ташкилотлар вакиллари учун "Кореяда электрон ҳукумат тизимини бошқариш" мавзусидаги семинар ташкиллаштирилади.

Шу йилнинг 2-6 сентябр кунлари Алоқа тарихи музейида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимиятларининг 100 нафардан ортик мутахассислари иштирокида мамлакатимизда электрон ҳукумат тизимини жорий қилиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилмоқда.

Унда Ўзбекистон Республикасида электрон ҳукумат тизимини жорий қилиш бўйича тажриба алмашиляпти. Беш кун давом этадиган мазкур семинар-тренингда иштирокчилар Жанубий Кореянинг Ахборотлашган жамият масалалари бўйича Миллий агентлиги (NIA) ҳамда LG CNS компаниялари мутахассисларининг "Электрон ҳукумат" тизимини самарали жорий қилиш, бунда давлат органлари масъул ходимлари олдида турган вазифалар, Жанубий Корея тажрибаси ҳақидаги тажрибалари билан танишадилар. Жумладан, eGovFrame — Кореянинг электрон ҳукумат тизимлари платформаси ҳақидаги билим-қўникмаларини ошириш, электрон ҳукумат доирасида давлатнинг муассасалар бошқаруви тизими архитектурасига оид тақдимот ва амалий машғулотлар ўтказилади.

Машғулотлар якунида тест асосида иштирокчиларга курсни ўтаганлик тўғрисидаги сертификатлар топширилади.

Лутфилло ТУРСУНОВ

**Определенные этапы в жизни государства и общества уместно соизмерять не годами, а проделанной работой. И сегодня мы по праву можем гордиться успехами, достигнутыми Узбекистаном за исторически короткий срок после обретения независимости.**

Как и во всех сферах, за эти годы, коренные реформы осуществлены и в сфере связи и информатизации. В ходе этих преобразований сформирована развитая высокотехнологичная отрасль связи и информатизации которая в настоящее время является одной из ключевых отраслей экономики. Вне сомнения, все достиже-

простым, но созидательным был этот путь.

Для эффективного и целенаправленного развития сферы связи необходимо было разработать законодательную, нормативно-правовую базу, создать независимые международные каналы связи, начать модернизацию сетей телекоммуникаций на базе цифровых

вой редакции закона "Об электронной коммерции".

В результате реализации принятых законов, а также программ по модернизации и развитию сетей телекоммуникаций и передачи данных появились новые направления телекоммуникационного бизнеса, как мобильная связь и интернет. Важным достижением является и то, что Узбекистан, в числе первых на постсоветском пространстве, реализует масштабную программу по полному переходу на цифровое и широкоформатное телевидение.

## Развитие сферы ИКТ –

### залог успеха и процветания

ния нашей страны являются непосредственным результатом реализации "узбекской модели" развития, разработанной главой нашего государства Исламом Каримовым и получившей сегодня признание во всем мире.

Здесь нелишне вспомнить, что стартовые условия независимости для Узбекистана характеризовались глубокими кризисными явлениями не только в экономике страны в целом, но и ее отрасли связи. Значительные сложности возникли, в частности, из-за того, что до 1991 года международная связь республики была организована только через Московскую Международную станцию, которая имела ограниченные возможности обеспечения автоматической связью. Вот почему, уже в первые годы независимости, ставилась задача ускоренного развития сферы связи.

Сегодня наша страна стала полноценным участником рынка международного транзита и имеет прямые международные каналы по 28 направлениям с выходом на 180 стран мира на основе волоконно-оптических и спутниковых систем связи.

Большой проблемой в начале 90-х годов было и то, что в отрасли упали производительность труда и рентабельность, оборудование связи практически не обновлялось. На сетях связи функционировали физически и морально устаревшие линии связи, аналоговые станции. К 1991 году удельный вес технологического оборудования в возрасте свыше 20 лет составлял около 60 процентов. Для простого потребителя это означало многолетние очереди в ожидании установки домашнего телефона, плохое качество и низкая доступность услуг.

Сегодня молодым людям с планшетами и сотовыми телефонами в руках, использующими в учебе, работе, быту все возможности современных информационных технологий, и невдомек, каких усилий стоило качественное возрождение отрасли. В начале 90-х следовало переломить негативные тенденции в развитии отрасли, обеспечить эффективный ее переход к рыночным отношениям. Подводя итоги прошедших лет, осознаешь, насколько не-



технологий с привлечением значительных инвестиций, осуществить структурные преобразования в отрасли. С выполнения этих задач и началось стремительное развитие отрасли.

**Во-первых**, была создана независимая система связи. Так, в июле 1992 года была приобретена Международная спутниковая коммутационная станция связи и организовано 50 каналов в направлении Японии и Турции. Это обеспечило выход Узбекистана на сеть международных телекоммуникаций и независимость страны в сфере связи.

**Во-вторых**, в январе 1992 года был принят Закон Республики Узбекистан "О связи", определяющий общеправовые отношения в области организации, регулирования и развития сферы связи.

**В-третьих**, в целях привлечения инвестиций, направляемых на развитие отрасли, начался процесс институционального формирования, отвечающего требованиям международных организаций и в числе первых среди государств СНГ, Узбекистаном были выделены средства на развитие отрасли связи на основе цифровых технологий.

За непродолжительный период в стране была сформирована нормативно-правовая база, направленная на развитие сферы связи. Законодательная база в этом направлении постоянно совершенствуется. В настоящий момент идет активная работа по разработке проекта закона "Об электронной коммерции", а также но-

Охват населения программами цифрового телевидения уже достиг 45 процента.

На данном этапе развития приоритетным направлением государственной политики является внедрение системы "Электронное правительство". Реализация стратегических задач в данном направлении осуществляется, согласно решениям ряда правительственных решений и программы по комплексному развитию ИКТ Узбекистана на 2013–2020 годы. В ней определены мероприятия по созданию современной высокотехнологичной инфраструктуры информационных технологий для оказания интерактивных государственных услуг для граждан и бизнеса, а также обеспечения прозрачности работы госорганов, повышения эффективности и качества госуправления.

Сегодня, оглядываясь назад, мы видим огромный путь, пройденный сферой связи и информатизации с рекордной скоростью, во имя дальнейшего процветания страны, стабильного повышения благосостояния народа. Достигнутые успехи вселяют твердую уверенность в том, что в будущем Узбекистан продолжит динамичное продвижение по пути обновления и прогресса.

**А. ДЖУРАБАЕВ,**  
председатель Комитета  
Законодательной палаты Олий  
Мажлиса Республики Узбекистан  
по вопросам информации и  
коммуникационных технологий,  
член фракции УзЛиДеП.

### My.gov.uz принимает заявления на регистрацию контрольно-кассовых машин

На Едином портале интерактивных государственных услуг запущена новая услуга "Подача электронного заявления для регистрации контрольно-кассовых машин с фискальной памятью в органах государственной налоговой службы".

Субъекты предпринимательства могут направить электронное заявление на регистрацию контрольно-кассовых машин (ККМ) прямо из своего офиса, сообщает информационная служба Единого портала.

Услуга доступна для хозяйствующих субъектов, зарегистрированных на Едином портале.

### "BePro" организовал встречу выпускников с работодателями

28 августа 2014 года в Учебном центре BePro состоялась встреча группы студентов ТУИТ, прошедших обучение по всем четырем этапам направления системного администрирования с представителями ведущих софтверных компаний страны.

В ходе встречи выпускники презентовали собственные IT-проекты. Цель данного мероприятия заключается в трудоустройстве талантливых специалистов и создании возможности для компаний/учреждений-работодателей без дополнительных затрат получить молодых специалистов, способных максимально быстро и эффективно начать решать те или иные производственные задачи.

Группа в составе 12 человек прошла интенсивный курс "Стартап в IT", в ходе которого они узнали много полезной информации и под руководством тренера Дамира Рамазанова смогли подготовить свои проекты. Также студенты прошли интенсивный курс "Ораторского искусства". Трехдневный курс был насыщен интерактивными играми, положительными эмоциями и новыми впечатлениями. Бизнес тренер, психолог Элени Дурас помогла учащимся приобрести уверенность в себе, умение самовыражаться и не бояться публики.

### Центральный банк выпустил мобильное приложение

Центральный банк Узбекистана, совместно с компанией Global Solutions, разработали мобильное приложение "Central Bank of Uzbekistan".

Мобильное приложение предоставляет пользователям онлайн доступ к общедоступным информационным ресурсам ЦБ РУз в интернете, с возможностью просматривать и получать обновленную информацию, в том числе сведения о курсах валют.

Мобильное приложение организовано в виде информационного справочника предоставляющего пользователю возможность быстрого доступа и поиска информации по его разделам.

Приложение доступно на узбекском, русском и английском языках.

На сегодняшний день мобильное приложение доступно для пользователей ОС Android. Ссылка для скачивания в Google Play.

## Тўёна

**Мустақиллигимизнинг муборак тўйи арафасида Самарқанд вилоятининг Тайлоқ тумани аҳли учун яна бир қўлайлик — "Ягона ойна" сотув маркази қурилиб ишга туширилди.**

Тантанали очилиши маросимини "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали директори Насим Жайсанов кириш сўзи билан очди. Тайлоқ тумани ҳокими Пўлат Аҳмедов ва Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Са-

марқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Нодир Эшназаров барча меҳмонларни Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами билан қизгин табриклар, янги марказ аҳолига интернет, IPTV тунерларини сотиш ва ўрнатиш, "ЎзМобайл" уяли алоқа телефон аппаратларини сотиш каби намунали хизмат турларини кўрсатишини таъкидлашди.

Янги сотув маркази замонавий мебел ва оргтехника билан жиҳозланган.

**Ҳ.АБДУҒАФУРОВ**  
Самарқанд вилояти

## Оқида қизлар

Ҳа, ҳақда шундай қизлардан бир гуруҳи Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасида оператор сифатида иш юритиб келишмоқда. Яқинда улар иштирокда ўтказилган "Балли, қизлар!" кўрик-танловининг давомида энг иқтидорли ва билимли, доно ва саранжом-сарийшта ва ҳеч мўболагасиз, ўз касбининг ҳақиқий жонқуярлари аниқланди.



Оператор қизлар кўрик-танловнинг таништирув, савол-жавоб, саҳна кўри-нишларини намойиш этиб, эркин мавзу бўйича берилган шартларини талаб даражасида бажариб, ҳакамлар ҳайъатининг муносиб эътирофига сазовор бўлдилар.

Эркин мавзу бўйича белгиланган танлов шартларига биноан оператор қизлар миллий урф-одатларимизга оид саҳна кўри-нишларини кўрсатиб, олқишларга сазовор бўлишди. Мустақил Ўзбекистонимиздаги бунёдкорлик меҳнати, фаровон ҳаёт, бахтли ёшлик тараннум этилган куй-қўшиқлар, пазанда қизлар томонидан тайёрланган бир қатор пишириқлар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдиргани йўқ.

Кўрик-танловнинг якунига биноан фахрли биринчи ўрин моҳир оператор қизлардан бири Сурайё Толибовага берилди. 2 ва 3-ўринлардан эса Лайло Темирова ҳамда Дилором Нетьматовалар жой олдилар. Шунингдек, ўзига хос қизиқарли талбирлар фаол иштирок этган Нодирабегим Ҳайитова, Азиза Қаландарова ҳамда моҳир бошловчи Нилуфар Яҳёеваларга ҳам шаҳар телекоммуникациялар боғламаси цех касаб-а уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Асқар ИСТАМОВ,**  
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

## Спорт маркази алоқачилар хизматида

**"Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали Мустақиллик байрамига муносиб тўхфа ҳозирлади. Соҳада қатор ютуқ ва муваффақиятларга эришилгани ҳолда филиал ишчи-ҳодимларининг қандалик ҳаёт тарзида жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш мақсадида замон талабларига жавоб берадиган Спорт маркази фойдаланишига топширилди.**

Марказнинг очилишига бағишланган тadbирни филиал директори С.Дўсчанов кириш сўзи билан очиб, ишчи ва ходимларни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз билан муборакбод этди. Соҳада эришилган ютуқларга қисқача тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида вилоятда рақамли телефон станциялари ишга туширилиб, вилоят корхоналари ва аҳолисига 16та қўшимча сервис хизматидан фойдаланиш имконияти яратилди, шунингдек, улар ўртасидаги алоқа линияларига 200 километрга яқин оптик толали алоқа кабели ётқизилди. Мижозларга бир вақтнинг ўзида телефон, интернет ва IPTV хизматларидан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди. Интернет тезлиги ҳар бир миқозга 8 Мбит/сонияга етказилди. Аҳоли ва корхоналарга телекоммуникация хизматларини кўрсатишни оптимallasштириш ва оsonлаштириш учун 8та телекоммуникация боғламасида "Ягона ойна" тамойилида хизмат кўрсатувчи марказлар, вилоят бўйича чақирикларга хизмат кўрсатувчи марказ (CALL center) ишга туширилди ва филиал ишчи-ҳодимларига қўлай, шинам меҳнат шароитларида фаолият олиб бориш имконияти тақдим этилди.

Тadbирда Сирдарё вилояти касаб-а уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси К.Оқбўтаев сўзга чиқиб, алоқа ходимларини мустақиллик байрами билан қутлади ва соҳада янги меҳнат зафарларига эришишда мазкур спорт марказининг муҳим ўрни борлигини, зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Соғлом эл қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур" дея эътироф этди.

Шоир Бахтиёр Ватан "Ягонасан, мустақил Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу гоини ўзида мужассам этган янги шеърларидан ўқиб, тadbирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Шундан сўнг меҳмонлар иштирокида алвон тасма қирқилиб, Спорт маркази тантанали равишда очилди. Тadbир иштирокчилари Спорт



маркази билан яқиндан танишдилар. Ҳақиқатан ҳам бу ерда ходимларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит яратилган.

— Ходимларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш инсон омилига бўлган эътибордан далолатдир. Корхонамизнинг Маънавият хонаси бор. Бу ерда соҳага оид барча адабиётлардан тортиб, бадий адабиётлар, марказий ва маҳаллий нашрлардан баҳраманд бўлиш мумкин. Ишдан сўнг ходимлар ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини юксалтиришади. Чигилларини ёзиш учун эса шахмат, шашка доналарини суришади, стол тенниси шарининг ҳавода учишидан завқ олишади, жисмонан чиниқишади. Филиалимиз ишчи-хизматчиларига яратилган бу имкониятдан барчамиз мамнунмиз, — дейди мутахассислардан бири Улуғбек Таникулов. — Корхонада жисмоний тарбия ва спортни оmmallasштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Спортнинг шахмат, шашка, бадминтон, стол тенниси турлари бўйича мунтазам мусобақалар ташкиллаштириб турилади. Замонавий спорт инвентарлари билан таъминланган Спорт маркази ишчи-хизматчиларимиз учун зўр совға бўлди.

"Соғлом танда соғ ақл", деганларидек, "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали ходимларининг жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб етишишлари, янгидан-янги меҳнат муваффақиятларига эришишлари учун мустаҳкам замин яратилган.

**Б.ЮRSУНОВ**  
Сирдарё вилояти

### ФАКТ

**Томас Эдисон етти йилда 300та атрофида, умри давомида мингдан ортиқ патент олган.**



## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим

Истиқлол байрамимиз арафасида мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак фахрий унвонлари, орденлари ва медаллари билан мукофотландилар. Улар орасида алоқа ва ахборотлаштириш тизимида меҳнат қилаётган ходимлар ҳам бор.



Мукофот ҳақидаги хушхабарни эшитиб, элим деб, юртим деб ёниб яшаган, меҳнат қилган инсон борки, эътибордан четда қолмаслигига яна бир бор амин бўлдим ва қалбимдаги гурур мени юксакликка чорлади. Шундай обод ва озод юрт фарзанди эканлигим, элга садоқат билан хизмат қилаётган алоқачилар сифатлигим билан фахрландим. 2012 йилдан бери "ТШТТ" филиали "Data center" бошқариш хизматига стажчилик қиляпман.

# АСРИЙ

## ЮКСАЛИШ



моқчиманки, менга берилган мукофот марказимизнинг ҳар бир ходимига берилган мукофотдир.

Суръат АРИФХАНОВ,  
"ТШТТ" филиали "Data center" бошқариш хизмати бошлиғи, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиб

## ЭЪЗОЗ

"Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг 4-боғламаси етакчи муҳандиси Фуломжон Боймуродов Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасидаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими" фахрий унвони билан тақдирланди.

Булунғур тумани Меҳржон маҳалласида ўқитувчи Олимжон ака ҳамда Тиллахон ая оиласида туғилган Фуломжон ёшлик чоғлариданоқ техникага меҳр қўйди. Бу қизиқиш уни Тошкент электротехника алоқа институтига етаклаб келди.

1995 йили институтнинг радиоэшиштириш ва телевидение факултети аъло баҳолар билан тугатган, "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг 4-боғламасига электромеханик вазифасига ишга қабул қилинди. Орадан бир йил ўтган, муҳандис, кейинчалик етакчи муҳандис вазифасига тайинланди.

Барчага маълумки, шу пайтгача маҳаллий ва шаҳарлараро алоқа линияларида кенг ишлатиб келинаётган мис толали алоқа кабеллари ўз ўрнини замонавий турдаги, ўтказувчанлиги ўта юқори бўлган оптик толали кабелларга бўшатиб бермоқда.

Фулом Боймуродов оптик толали кабелларнинг алоқа корхоналарида ишлатилиши, улардан фойдаланиш, пайвандлаш усуллари тўғрисида ҳар йили бир неча марта ТАТУ Самарқанд филиалида профессор-ўқитувчилар ва 3-4 босқич талабалари учун очик дарсларда маъруза қилади.

Албатта, ҳар қандай кабел, хоҳ у мис, хоҳ оптик толали бўлсин, носозликлар юз бериши табиий ҳол. Шуни



эътиборга олган ҳолда замонавий оптик толали кабелларни таъмирлаш қандай олиб борилиши тўғрисида талабаларга етарли даражада кўргазмани, амалий маълумотлар бериб борилади.

— Устозларим Абдуманноп Шарофидинов, Жўрабой Бўтаев, Мамарасул Худойназаровлардан бениҳоя миннатдорман, — дейди биз билан суҳбатда Фуломжон. — Муҳтарам Президентимиз томонидан камтарона хизматларимга берилган бу унвон, нафақат менинг, балки бутун жамоам, бутун вилоят алоқачиларининг унвони деб биламан.

Ўз навбатида, Фуломжон ҳам Олим Сулаймонов, Қобил Умаров, Рустам Кўзиев каби шогирдлар етиштирди.

Ф.Боймуродов 23-умумтаълим мактабида кимё фанидан ёшларга таълим бераётган турмуш ўртоғи Дилбар Боймуродова билан тўрт қизни тарбиялаб, вояга етказди.

Фуломжон Боймуродовни юксак унвон билан муборакбод этиб, ҳорманг деймиз.

Абдугафур ХОТАМОВ,  
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

## БАХТ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг давлат ва жамиятимизда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда катта ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, таълим жараёнининг мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида юқори талабларга жавоб берувчи узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшларимизнинг билимли, иқтидорли инсонлар бўлиб камол топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, жаҳон стандартларига мос кадрлар тайёрлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттириляпти. Бевоқиф мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг энг асосий омиллардан бири айнан ушбу соҳада малакали кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ деб ҳисоблайман.

Мустақиллигимизнинг йгирма уч йиллиги нишонланиши арафасида камтарона меҳнатларимиз юксак эътироф этилгани Давлатимиз раҳбарининг ёшларга



бўлган эътибори самараси деб биламан ва бунинг учун миннатдорлик билдираман. Мазкур мукофот ёшларимизни ватанпарвар, фидойи ва ўз касбининг етук мутахассиси этиб тайёрлашдаги фаолиятимизга янада масъулият бағишлайди. Келгусида бундай юксак мукофотни ва раҳбарият томонидан билдирилган ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга ўз ҳиссамни қўшишдан бахтиёр эканлигимни билдираман.

Дурдона ИРГАШЕВА,  
ТАТУ "Ахборот хавфсизлиги" кафедраси муdiri,  
"Шухрат" медали соҳиб

Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган



сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

# ОРЗУЛАР РЎЁБИ

## ЭЪТИБОР

Меҳнат фаолиятим алоқа соҳаси билан боғланганлигини тақдирнинг ажойиб тухфа-си деб биламан. Соҳа шундай жараёнки, бу тизимда ҳамшиша иш қайнади. Энг муҳими, одамлар хизматида бўламиз, уларнинг узоғини яқин қилишдек, савобли юмушга ҳисса қўшамиз. Бу ҳам аслида катта бахт.

Мактабни битиргач, 1984 йили Сирдарё электралоқа тармоқлари корхонасининг Гулистон тумани алоқа бўлимида телефончи вазифасида иш бошлаганман. Бир йил ўтиб эса Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кирдим. 1990 йили ўқшни битириб, Жиззах вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг линия автоматик цехида муҳандис вазифасида ишни давом эттирдим. Мустақилликка эришган йил-миз — 1991 йилдан буён "Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиалининг тармоқни ривожлантириш ва эксплуатация қилиш бўлими етакчи муҳандиси вазифасида ишлаб келяпман. Шу йиллар мобайнида устозларим Тойир Дадабоев, Сафар Дўсчанов, Валерий Хам, Пардабой Арзикулов ва раҳматли



2000" АТС ускуналари келтирилиб, монтаж қилиниб фойдаланишга топширилди. 2005 йили "ZTE" корпорациясининг "ZJ-10" русумли 2500 мижозга мўлжалланган замонавий рақамли электрон станцияси Гулистон тумани маркази — Деҳқонobod кўрғонида қисқа муддат ичида хитойлик мутахас-

сислар билан ҳамкорликда ишга туширилди. Натижада деҳқонobodликлар ҳам замонавий телефон алоқаси хизматидан баҳраманд бўлишди. Мижозларнинг "8" рақами орқали шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларга тўғридан-тўғри чиқишлари таъминланди. Ўша йилнинг IV чорағида Хитой Халқ Республикасининг "Эксимбанк" и кредити асосида Сайхунobod, Сардоба ва Оқолтин туман марказлари ҳамда Фарҳод-5 ва Қаҳрамон қишлоқларида "HUAWEI" рақамли электрон АТСлар ўрнатилди.

Хозирги кунда Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарлари ва Боёвут, Ховос, Мирзаobod туманларида мавжуд "DTS-2000" станциялари ўрнига янги замонавий NGN технологиясида ишлайдиган жами 29568 сифимга мўлжалланган 32та MSAN рақамли станциялари ўрнатилиб, ишга туширилди. Қишлоқларимиздаги рақамли электрон АТСлар яратган имкониятлар туфайли юртдошларимиз бир қанча қўшимча хизмат турларидан фойдаланишга танилган, бу ишларда ҳиссамиз борлигидан қувонаман.

Юксак мукофот зиммамга катта масъулият юклайди. Янада шижоат билан ишлаб, билдирилган ишонччи оқлайман.

Клара ХОДЖАЙРОВА,  
"Ўзбектелеком" АК Сирдарё филиали  
тармоқни ривожлантириш ва эксплуатация  
қилиш бўлими етакчи муҳандиси,  
"Дўстлик" ордени соҳиби

## МЕҲНАТ ГАШТИ

Ватанга сидқидилдан хизмат қилишнинг гашти ўзгача! Айниқса, туғилиб-ўсган юртинг тобора равнақ топиб бораверса, чарчоғинг билинмайди. Ўзгаришлардаги ўрнинг билан фахрланасан, гурурланасан. Вақти келиб қилаётган меҳнатинг қадрлиниб қолса борми, беихтиёр кўнглинг бир олам қувончга тўлганлигини ҳис этар экансан. Инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Мен айти пайтда худди шундай кайфият билан юрибман. Мустақиллик кунининг 23 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида мувофиқ "Жасорат" медалига муносиб кўрилдим. Ҳаётимдаги бу янгилик баъзи ҳамкасбларимни таажжублантиргани рост. Сирасини айтганда, улар оёғимнинг бирови протезланганини билишмайди. Худди етти мучаси соғлом кишидай ишлаб юрган-им — шундай ҳайратга сабаб бўлган бўлса ажаб эмас!

Бундан олти йил муқаддам мен хизмат қилаётган Саловат қишлоғига замонавий "СГМ" станцияси ўрнатилди. Бу алоқа воситаси шарофати билан худуддаги учта маҳалла телефон йўли рақамлаштирилди. Оптик толали кабелни 12 километр масофага жойлашда оилавий иштирок этдик. Ўзларим Азамат ва Исломжонларни бу хайрли ишга жалб этдим. Ҳозир рақамли замонавий "СГМ" станцияси мунтазам ва сифатли ишлаб турибди. Шу билан бирга, Термиз халқаро аэропортига ўрнатилган станцияга хизмат кўрсатишни ҳам зиммамга олганман. Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида "Саловат" маҳалла гузари



фойдаланишга топширилди. Янги манзилни ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлашга тез орада киришамиз.

Эл-юрт ободлиги йўлида камтарин хизматларим муносиб тақдирлангани нафақат беш фарзандли оиламни, балки малакали мутахассис Абдихолик Сафаров раҳбарлик қилаётган боламамиз жамоасини ҳам қувонтириб юборди. Биз кўрсатилган эътибор, билдирилган ишончга яраша меҳнат қилишдан асло толмаймиз. Дарҳақиқат, давлатимиз рағбати кучимизга-куч, гайратимизга-гайрат қўшмоқда.

Панжибой ЮСУПОВ,  
"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё  
филиали Термиз туман  
ТБ электромонтёри  
"Жасорат" медал соҳиби

## ИНСОН АЗИЗ

Мужизах вилояти Пахтакор почта алоқаси тармоғи 2-алоқа бўлими бошлиғи Боғлон Бекмуродовнинг ҳам борлиги кўнглимни қувонтирди. Боғлон опа Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида асосан "Шўҳрат" медал билан мукофотланди.

Хушхабардан жиззахлик почта алоқаси ходимлари мамнун бўлганлари бор гап. Ўша кунни опанинг хонадони тўйхонага айланди. Табрик кетидан табрик, қўллов кетидан қўллов, кўнғироқ кетидан кўнғироқлар жаранги узилмади...

Боғлоной Бекмуродова 34 йил-дирки, эл-юрт хизматида ҳормай-толмай меҳнат қилляпти. Почтачилик каби сермашаққат касбни танлаб адашмади. Шу касбни ардоқлаб кам бўлгани йўқ, обрў топди, касбидан, ҳаётдан асло нолимади. Борига шукр, йўғига қаноат қилди. Қисқаси, опа оиласидан, касбидан бахт топган пиру бадавлат хонадон соҳибаларидан десак, муболаға бўлмас. Икки ўғил, шириндан-ширин набиралар ва икки келин Боғлон опанинг ҳурматини жойига қўйишади. Умр йўлдоши Эгамберди ака салкам чорак асрдан бери опа билан ёнма-ён.

Боғлон Бекмуродова "Йилнинг энг яхши почта ходими", "Ўз касбининг устаси" белгилари эгаси ҳамда вилоят ва республика танлов ва кўриқлари ғолибидир. Шунингдек, опа вилоят ҳокимлигининг бир қанча фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан мукофотланган. Опанинг шоғирдлари устозлари билан фахрланиб юрадилар. Наташа Холмуродова, Қаҳрамон Очилов, Гулчехра Пардаева, Ҳилола Мавлоноваларга касб сир-асрорларини ўргатишдан опа асло чарчамайди.

— Боғлон Бекмуродова ажойиб она, меҳнаткаш, самимий инсон. Маҳалламиз фаолларидан. Одамлардан ўз ёрдамини, меҳрини, муҳаббатини аямайди. У киши бошқаларга ибрат бўлгулик эзгу хислатлар соҳиби, — дейди "Дилором" маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Раънохон Тиловова.

М.НОРҚУЛОВ  
Жиззах вилояти





# ЖИЗЗАХ КУТУБХОНАСИ: КЕЧА ВА БУГУН

Мустақиллик йилларида, чунончи, ахборот-кутубхона марказига айлантирилгач, Жиззах кутубхонасини ривожлантиришда жуда катта ўзгаришлар бўлди, электрон ўқув заллари ташкил этилди. "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорга биноан, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоят ахборот-кутубхона маркази 21та компютер, 2та сканер, 1та нуска кўпайтириш аппарати, 5та принтер ва ИРБИС дастури билан таъминланиб, локал тармоғи ташкил этилди.

2007 йил сентябр ойида Республика ахборот-кутубхона маркази томонидан бир дона сервер, 8 дона компютер берилиши натижасида автоматлаштирилган электрон кутубхона ташкил этилди.

Янги аср кутубхоналарга ҳам янги талабларини қўймоқда. Бугун ахборот технологиялари билан бинойидек қуролланмасдан туриб китобхонлар кўнглини овлаш мушкул масала. Шу талаблар асосида Жиззах вилоят АКМга 2013 йили ҳам 12та компютер, 2та сканер, 1та нуска кўпайтириш аппарати, 2та китобларни муқовалаш қурилмаси олинди. Жорий ойда имконияти чекланган ўқувчиларга

1974 йил



Жиззах вилоят кутубхонаси 1974 йилнинг 2 сентябрида фаолият бошлаган. Ўша даврларда "Жиззах вилояти оммавий кутубхонаси" деб номланган. Китоб жамғармаси 12200 китобдан иборат бўлган.

мўлжалланган компютер жамланмасини келтириш режага киритилган.

Марказ кутубхоначилари томонидан китоб жамғармаси қайта рўйхатдан ўтказилиб, ИРБИС дастурида жами 38635 ном (44832 нусха)даги адабиётлар таҳрир қилиниб, уларнинг электрон каталоги яратилди. Айни пайтда АКМ жамғармасидаги адабиётларнинг тўлиқ матнли электрон шакллари тайёрланмоқда. 2012 йилдан шу кунга қадар 506 нусхадаги адабиётларнинг электрон шакллари ҳозирланди.

Жиззах вилоят АКМ ўз веб-сайтига эга бўлиб, мунтазам янги маълумотлар билан бойитиб бориляпти.

АКМ Ziyonet ва интернет тармоғига уланган. Бу эса ҳар бир китобхоннинг талаби электрон тарзда қондирилишига имконият бермоқда. Шунингдек, Ziyonetдан олинган, компакт дискларга кўчирилган ҳар турдаги маълумотлар, маърузалар матни, мультимедиа дарсликлар ҳамда газеталарнинг электрон шакллари ҳам китобхонлар оммасига тақдим этиляпти.

— Китобхонларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида вилоятнинг ногиронлар реабилитация марказида, телевидениесда, меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш бошқармасига қарашли "Жиззах" санаторийида кўчма кутубхоналар ташкил этилган, — дейди АКМ директори Зуфия Раззоқбердиева. — Шунинг-

дек, ҳар йили Зомин туманидаги Еттикечув қишлоғида жойлашган "Алоқачи" болалар оромгоҳида кўчма кутубхона ташкил қилинади ва оромгоҳга битта ходимимиз бириктирилиб, болаларга хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги тасарруфидаги 8та ҳарбий кутубхона ҳамда вилоятдаги 78та ахборот-ресурс марказига услубий марказ сифатида хизмат кўрсатаямиз. Ходимларимиз жойларда АРМлар фаолиятини ўрганиб, уларга амалий-усlubий ёрдам кўрсатишяпти.

Охириги уч йил давомида вилоят АКМда учта конференция, еттита семинар, 68та давра суҳбати, адабий мусиқий учрашув ва кечалар ўтказилди.

Норкул МАЪМУР,  
"Xabar"нинг Жиззах  
вилоятидаги мухбири

2014 йил



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига биноан ахборот-кутубхона маркази мақомини олди.

## Жиззах вилоят АКМ адабиётлар жамғармаси:

25922 ном 57640 нусхадаги адабиётлар  
7180 ном 7273 нусхадаги 7816,26 Гб ҳажмдаги электрон нашрлар  
226 ном 2758 нусхадаги журналлар  
278 ном 39499 нусхадаги газеталар  
Жами: 33606 ном 107170 нусхадаги адабиётлар

## Тараққиёт гарови

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги ҳарбий қисмда Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Ўзбекистон либерал демократик партиясининг Сирдарё вилоят кенгаши ва вилоят ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Тинчлик — барқарорлик ва тараққиёт гаровидир" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда ахборот-кутубхона маркази етакчи кутубхоначиси Х.Рисқулова, Ўзбекистон либерал демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши мафқуравий ташвиқот-тарғибот ишлари бўлим мудири А.Шодмонқулов, Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Ғ.Юсупов ва ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари А.Икромовлар ўз маърузалари билан иштирок этишди. Улар Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлаш бахтига муяссар бўлганимиз билан ҳақли равишда фахрланишимиз, жонажон Ўзбекистонимиз тараққиёти учун тинимсиз ишлашимиз кераклигини таъкидлаб ўтдилар. Тадбир давомида вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимлари томонидан ушбу санага бағишлаб "Шу азиз Ватан барчамизники" мавзуида китоблар кўргазмаси намойиш қилинди.

## FIFA14 ўйини бўйича профессионал лиганинг биринчи саралаш босқичи якунланди

30 август куни пойтахтнинг "Алянс Арена" клубида Zo'r-Zo'r UCG 2014 е-спорт бўйича Ўзбекистон чемпионати доирасида FIFA14 ўйини бўйича профессионал лига саралаш турнирининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.

Турнирда Junior - Dream - Pro А лигасининг доимий иштирокчилари ичидан 64 нафар виртуал футболчи иштирок этди.

9 сентябр куни "Алянс Арена" клубида лига иштирокчилари орасида финал саралаш турнири бўлиб ўтди.

Фолиблар Zo'r-Zo'r UCG 2014 е-спорт бўйича Ўзбекистон чемпионатининг миллий финалида — ESWC 2014 ҳақон кубоги финалининг саралаш турнирида иштирок этиш учун икки йўллани қўлга киритдилар.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар ПАТ ходими Меҳмонали УМАРОВни муборак 60 ёши билан самимий табриклайди. Унга соғ-омонлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришини тилайди.

\*\*\*

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Ўзбекистон ТБ ходими Бахтиёржон МЕЛИҚУЛОВни 55 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришини тилайди.

\*\*\*

"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали жамоаси ва филиал бошланғич касба уюшмаси кўмитаси Сарносиё телекоммуникациялар боғламаси бошлиги Бўриқул ЖАЪФАРОВ, Шўрчи ТБ кабел-пайвандловчиси Шердон РУСТАМОВ ҳамда филиал автокорхонаси ҳайдовчиси Икром ҚУРБОНОВларни кутлуг 55 ёши билан самимий табриклайди.

Уларга мустаҳкам соғлиқ ва оилавий тотувлик тилайди.



ДУШАНБА — 8 СЕНТЯБР

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". 7.00 "Замин гаройиботлари". Х/ф. 7.25 Миллий сериал: "Орзулар фасли".


18.40 "Савдой изкувар". Т/с. 19.25, 20.00, 20.55 Ўйонлар. 19.30 "Ахборот" /рус/. 20.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".

8.50 "Ешлик навалари". 9.10 "Қалбим чечаги". Т/с. 10.00 "Қамолот-инфо". 10.10 "Фидойилар". Т/с.

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!" 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 "Роуяхт".

19.50 "Бизнинг даҳлар". 19.55 "Навойи маҳзани". 20.25 "Ўғай она". Т/с. 26-қисм. /Премьера/.

13.15 АНОНС. 13.20 Теннис. "Тошкент Опен". Халқаро турнири. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.



6.00 "Ватан меҳри". 6.10 "Ўнгутилмас оҳанглар". 6.40 "Мумтоз наво".

СЕШАНА — 9 СЕНТЯБР

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". 7.00 "Замин гаройиботлари". Х/ф. 7.30 Миллий сериал: "Орзулар фасли".


18.40 "Савдой изкувар". Т/с. 19.25, 20.00, 20.55 Ўйонлар. 19.30 "Ахборот" /рус/.

7.10 "Мультипанорама". 8.00 "Олтин даврим". Т/с. 8.50 "Ешлик навалари". 9.10 "Қалбим чечаги". Т/с.

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!" 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 2.00 "Роуяхт".

19.50 "Бизнинг даҳлар". 19.55 "Навойи маҳзани". 20.25 "Ўғай она". Т/с. 27-қисм. /Премьера/.

13.00 ХАБАРЛАР. 13.15 АНОНС. 13.20 Теннис. "Тошкент Опен". Халқаро турнири. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.



6.00 "Ватан меҳри". 6.10 "Ўнгутилмас оҳанглар". 6.30 "Мультипанорама".

ЧОРШАНА — 10 СЕНТЯБР

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". 7.00 "Замин гаройиботлари". Х/ф. 7.25 "Иқлим".


18.45 "Савдой изкувар". Т/с. 19.25, 20.00, 20.55 Ўйонлар. 19.30 "Ахборот" /рус/.

9.10 "Қалбим чечаги". Т/с. 10.00 "Давр". 10.10 "Фидойилар". Т/с.

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!" 6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 2.00 "Роуяхт".

19.50 "Бизнинг даҳлар". 19.55 "Навойи маҳзани". 20.00 "Роуяхт news".

13.00 ХАБАРЛАР. 13.15 АНОНС. 13.20 Теннис. "Тошкент Опен". Халқаро турнири. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.



6.00 "Ватан меҳри". 6.10 "Ўнгутилмас оҳанглар". 6.40 "Мумтоз наво".





